



O'ZBEKISTON OVOZI

2016-yil, 14-iyun. Seshanba 70 (32.129)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

ФРАКЦИЯ
ЙИФИЛИШИ

Мустақиллик байрамини муносиб нишонлаш ҳам бурч, ҳам масъулиятдир

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ва ундан келиб чиқадиган вазифалар ЎзХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида атрофлича таҳлил қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Хотамжон Кетмонов мустақиллик байрамига муносиб тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш, бу жараёнда депутатларнинг фаол иштирокини таъминлаш масалаларига эътибор қаратди.

Қайд этилдики, мустақиллик бизга ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқини берди, адолатли, демократик, инсонпарвар жамият қуриш, шунингдек, миллий давлатчилигимизни ривожлантиришга имконият яратди. Айнан истиқлол йилларида мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими яратилди. Унинг ҳуқуқий асослари мустақамланди.

Мустақиллик йилларида икки палатали парламентга асос солинди. Умуман олганда, мамлакатимиз ҳаётининг бирор-бир жабҳаси йўқки, орзу-умидларида мустақиллик акс этмаган бўлса. Шу боис мустақиллик байрамини муносиб нишонлаш ҳам бурч, ҳам масъулиятдир, деди фракция раҳбари.

► Давоми 2-бетда.



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.



BUGUN
ONA
YURTDA...

РАМАЗОН — МЕХР-МУРУВВАТ ОЙИ

Президентимизнинг «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Самарқанд вилоятида ҳам «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида муборак Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини, муқаддас динимиз арконларини эъозлаш, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни ўзаро яхшилик қилишга, аҳил ва ҳамжихат бўлиб яшашга даъват этишга қаратилган кенг қуламли тарғибот ишлари ташкил этилмоқда.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги расмий сайтида ёзилишича, ушбу ой давомида ногирон ва беморлар, кексалар ҳолидан хабар олинапти. Маҳалла гузарлари, қўтлуг қадимжо ва зиёратгоҳлар обод этилмоқда. Мурувватли кишилар томонидан эҳтиёмжанд оилаларга кўмак берилмоқда.

«BANKEXP0 — 2016»

миллий кўргазмаси ташкил этилди

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб Республика Марказий банки томонидан вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда тўққизинчи банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари «BankExp0 — 2016 Бухоро» анъанавий миллий кўргазмаси бўлиб ўтди. Бу ҳақда «Бухоронома» газетаси сайтида хабар берилган.

Тадбирда кичик бизнес субъектлари, хорижий корхоналар вакиллари, касб-хунар коллежлари битирувчилари иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, ўтган беш ой мобайнида тадбиркорларнинг лойиҳаларини молиялаштиришга 221 миллиард сўм сарфланди. Экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш учун эса 100 миллиард сўмдан зиёд банк инвестициялари ажратилди.

Тижорат банклари касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнеслари учун жорий йилда ўтган йилга қараганда 1,2 миллиард сўм кўп, яъни 20 миллиард сўмдан зиёдроқ маблағ ажратди.

ШАҲАР ҲОКИМИ маҳалла раислари билан учрашди

Наманган шаҳрида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари уюшқоқлик билан, кўтаринки руҳда ўтди. Бу ҳақда Наманган вилоят ҳокимлиги расмий сайти хабар бермоқда.

Наманган шаҳар ҳокими Баҳодир Бекхўжаев янги сайланган маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан учрашув ўтказди. Тадбирда шаҳар раҳбари маҳалла фуқаролар йиғинлари олдига қўйилаётган вазифаларга тўхталиб, биринчи навбатда мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш, тинчлик-осойишталикни сақлаш, ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, ёшларни билим олишга, хунар эгаллашга йўллаш, маҳалла-мактаб ва коллежлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, оилавий бизнесни ривожлантириш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш каби масалаларда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан фикрлашди.

ЎЗБЕКИСТОН МОЛИЯ ВА БАНК ТИЗИМИ

ТАРИХИНИНГ БИЗГА МАЪЛУМ ВА НОМАЪЛУМ БЎЛГАН ЖИҲАТЛАРИ ҲАҚИДА

3

ЎзХДП: «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

Қарши. «Ёшлар маркази» саройи одамлар билан гавжум. Мен партиямиз фаоллари, ёшлар билан сўхбатлашаман.

Ёш сиёсатчилар сиёсий ва ҳуқуқий билимларини намойиш этишди

— «Ёш сиёсатчи» танловида иштирок этган ёшлар орасидан етакчилар, депутатлар етишиб чикди, — дейди **ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари ўзХДП гуруҳи раҳбари Рашид Муртозаев**. — Қарши шаҳар вакили дастлабки синовлардан яхши ўтди, энди омадини берсин. Бу гал ёшлар ҳар йил-гидан ҳам фаолроқ. Фолиб чиқиш осон, деб ўйлайсизми? ЎзХДП вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Олим Равшанов кўрик-танлов иштирокчиларига омад тилаб, тадбирни очик деб эълон қилди.

► Давоми 2-бетда.

НУҚТАИ НАЗАР

Депутат фидойи бўлиши керак

Улғубек СОБИРОВ, халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Одамлар депутатликка номзодга овоз берар экан, нафақат унинг ўзини қўллаб-қувватлайди, балки ортида турган сиёсий партияга ҳам ишонч билдиради.

Маҳаллий Кенгашларга партиямиздан сайланган депутатларнинг кўпчилиги бугун ўз зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан бажариб, сайловчилар ишончини оқлапти. Бир мисол. Шу йилнинг ўтган беш ойи давомида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари томонидан оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонун доирасида барча турдаги дорихоналар томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг аҳоли, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, айниқса, қиз болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун яратилган шарт-шароитлар чуқур ўрганилиб, доимий комиссия ва сессиялар кун тартибига киритилди. Шунингдек, Жамоатчилик қабулхоналарига тушган мурожаатларда кўтарилган муаммоларни ҳал этишда уларнинг иштироки сезиларли даражада кучайгани ҳам фикримиз исботидир.


Бирок мамлакатимизда демократик жараёнларнинг чуқурлашиб бораётгани ўз фаолиятимизни танқидий баҳолаб, хулоса чиқариб олишимизни тақозо этади.

Тўғриси айтганда, депутатларимиз орасида ўз бурчига юзаси ёндашаётганлари ҳам учрамоқда. Фақат сессияларда ишти-

рок этиш билан «депутатлик вазифамни адо этдим», деб ўйлаётган депутатларимиз ҳам йўқ эмас. Партия томонидан ўтказиладиган ижтимоий-сиёсий тадбирларда уларни учратиш қийин. Айрим маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари эса ўтган даврда қайси масалани ўрганиб, сессия кун тартибига олиб чиқганини айтишга қийналади. Ваҳоланки, айнан ўша ҳудудда партиямиз электроратни ташвишга солаётган муаммолар бор.

Менимча, депутатлар фаолиятини кучайтириш учун, аввало, уларнинг сайлов округидаги ишларини жонлантириш керак. Депутат ўз сайловчилари билан қандай ишлаётгани, улар кўтарётган масалаларни ҳал этиш бўйича қандай ташаббуслар билан чиқаётгани партия кенгашларининг назоратида туриши зарур, деб ҳисоблайман. Шунингдек, кўчма Жамоатчилик қабулхоналарини кўпроқ ташкил этиш ва унда депутатларнинг фаол иштирокини таъминлашга эришиш керак. Чунки шу орқали депутатлар жойларда учраётган муаммолардан яхшироқ хабардор бўлади, масалаларни аҳолининг ўзидан эшитиш, одамлар билан бево-сита мулоқот юзаси келади.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САЙТИДА ЎҚИНГ!



2016 йил — соғлом она ва бола йили

НАМУНАЛИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ТАЖРИБАСИ ўрганилмоқда, оммалаштирилмоқда

www.xdp.uz

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВБАҲОР ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ МАСАЛАСИНИ ЎРГАНИБ, ПАРТИЯ ГУРУҲИ ЙИФИЛИШИДА МУҲОКАМА ЭТДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАМАНГАН ШАҲАР КЕНГАШИДАГИ ПАРТИЯМИЗ ГУРУҲИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА БОЛАЛАРНИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМГА ҚАМРАБ ОЛИШ БОРАСИДАГИ МАСАЛАНИ ЎРГАНИБ, СЕССИЯГА ОЛИБ ЧИКИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОНҶА ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ ТУМАНДАГИ ПОЛИКЛИНИКА ВА ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ АСБОБ-УСКУНАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАШ, УЛАРДА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИНИ ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ ПАРТИЯ ГУРУҲИ ЙИФИЛИШИДА КЎРИБ ЧИКДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

Бухоро

Наманган

ФРАКЦИЯ ЙИФИЛИШИ

■ Бугунги инсонлар ўз мустақил фикрига эга, оқ билан қорани ажратиб оладиган, ким нима деса, эргашиб кетавермайдиган одамлардир.

Мустақиллик байрамини муносиб нишонлаш ҳам бурч, ҳам масъулиятдир

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказишда фракция аъзолари фаол иштирок этиши лозимлиги алоҳида таъкидланди. Очиқ ва самимий руҳдаги учрашувларни кўпайтириш, унда, айниқса, одамлар билан фикр алмашиш, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни аниқ мисоллар билан аҳолига тушунтириш кераклиги ўқитиб ўтилди.

Аксавли Тумишова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мустақил тузум йилларида оналарнинг кўпчилиги ўглини олис ўлкаларга ҳарбий хизматга кузатиб, зор-зор йиғларди. Чунки у замонларда ҳарбий хизматга кетганлар орасида соғ-омон қайтмаганлари ҳам бор эди.

Ҳақиқатан ҳам, биз эски мустақил тузум, унинг асослари ва мафқурасидан бутунлай воз кечиб, тобелик ва қарамлик даврига барҳам бериб, бугун ўзининг куч-қудрати ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, халқининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган давлат барпо этдик. Бу ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ, албатта. Бу ютуқлар замирида қанча меҳнат, жасорат, энг муҳими, одил ва узоқни кўзланган сиёсат мужассамлашган.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорини ўқир эканман, ҳаёлимдан ана шу йиллар бирин-кетин ўта бошлади.

Бугунги кунда халқро ва зиятнинг шиддат билан ўзга-

риши, жаҳон саҳнида зиддиятларнинг кучайиши, ер юзининг турли нуқталарида янги низо ўчоқларининг пайдо бўлиши жаҳон жамоатчилигида катта ташвиш ва ҳавотир уйғотмоқда. Биз, депутатлар мамлакатимизнинг ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслиги, юртимиз ҳудудида чет давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига, ҳарбийларимизнинг ҳорихий мамлакатлардаги жанговар операцияларда қатнашишига йўл қўйилмаслиги қонун йўли билан мустаҳкамланганини кенг жамоатчиликка етказишимиз зарур.

Саттор Раҳматов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Собик тузум даврини, айниқса, 80-йилларда бўлган воқеаларни яхши эслаيمان. Ўша пайтларда бемор одамни даволаш у ёқда турсин, тўғри ташхис қўйиш ҳам катта муаммо эди. Бугун қайси тиббиёт масканига борманг, у ерда замонавий ташхис қўйиш ва даволаш ускуналари ўрнатилгани, малакали шифокорлар халқимизга хизмат қилаётганини кўрасиз. Бугун чекка ҳудудлардаги барча шариотларга эга қишлоқ врачлик пунктлари мустақилликдан олдин туман ва шаҳар марказидаги шифохонага овозрою сарсон бўлиб қатнаган қишлоқ одамларининг жонига оро кирмоқда.

Умуман олганда, мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласи давлат сиёсати даражасида кўтарилди. Президентимиз қароридан ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Тизимда кўлами кенг ислохотлар олиб берилди, вилон-



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

Сайлов округларида олиб бораётган фаолиятимизда, сайловчилар билан учрашувларда мустақиллик берган катта ютуқлар, бекиёс янгиланишлар тўғрисида кўпроқ суҳбат қуришимиз лозим.

ят кўптармоқли болалар шифохоналари, шунингдек, ихтисослаштирилган педиатрия тиббиёт муассасалари жаҳон андозалари даражасида қурилди ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Бу эса касалликларни эрта аниқлаш ва уларни самарали даволаш имконини бермоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар аҳолининг ижтимоий-ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур масалалар партияимиз дастурий мақсадларида бевосита ҳамроҳлангандир. Партияимиз Сайловчилар дастурида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оналар ва болаларга тиббий хизмат

қўрсатиш даражасини ошириш бўйича ҳам муҳим вазифалар белгиланган. Шу нуқта назардан қараганда, ижтимоий соҳадаги ислохотларни изчил ва тизимли амалга оширишда фаол қатнашиш, бу борада кўлга киритилаётган ютуқларни одамлар орасида кенг тушунтиришимиз керак, деб ўйлайман.

Зулайхо Ақромова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Сайловчилар билан учрашувларда бир нарсага кўп гувоҳ бўламан. Бугун одамларнинг дунёқарашини ўзгартиришда ҳуқуқий саводхонлиги ҳам баланд. Уларнинг онги, қарашини кечатидан тубдан

фарқ қилади. Энг муҳими, одамларимиз мамлакатимиз эришаётган улкан ютуқлар, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилган ислохотлар ва уларнинг самараси ҳақида фахр билан гапирди.

Қарорда келтирилганидек, олдин тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган бундай оламшумул натижаларнинг асосий омиллини авваламбор тараққиёт йўлимида тўсқин бўлган турли қийинчилик, етишмовчилик, оғир ва машаққатли синовларни энгиб ўтишда одамларимиз, бутун халқимизнинг дунёқарашини, меҳнатга, ҳаётга муносабатини ўзгартириб, уларнинг сиёсий онги, ижтимоий фаолигини, ён-атрофдаги воқеаларга ҳақдорлик ҳисси тобора кучайиб бораётганидан кўриш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, истиқлол туфайли одамларимизнинг тафаккури ўзгарди, юксалди. Бугунги инсонлар ўз мустақил фикрига эга, оқ билан қорани ажратиб оладиган, ким нима деса, эргашиб

кетавермайдиган одамлардир. Бу эса биз кўлга киритган энг катта ютуқ, деб ҳисоблайман.

Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар самараси бугун ҳар биримизнинг ҳаётиимизда ўз ифодасини топмоқда. Сайлов округларида олиб бораётган фаолиятимизда, сайловчилар билан учрашувларда мустақиллик берган ана шундай катта ютуқлар, бекиёс янгиланишлар тўғрисида кўпроқ суҳбат қуришимиз лозим. Истиқлолнинг қадри ва аҳамияти ҳақида ёшларимиз билан учрашувлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади, менимча.

Йиғилишда Президентимиз қарорининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, жойларда тарғибот ишларини кучайтириш бўйича тавсиялар берилди, чора-тадбирлар белгиланган олинди.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲАЁТИДАН

«Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон»

Наманган шаҳрида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб маданий-маърифий тадбир ўтказилди. «Қадамжо» маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган учрашувда Ўзбекистон ХДП Наманган шаҳар кенгаши масъуллари, депутатлар, шаҳар ҳокимлиги вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилига асосланган тараққиётнинг «Ўзбек модели» мамлакатимизни ривожлантиришда бекиёс аҳамият касб этди. Айниқса, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича мустақам ҳуқуқий базага асосланган ишончли тизимнинг шакллантирилиши ушбу моделнинг қанчалик ҳаётий эканини кўрсатиб берди.

Фикр алмашишлар давомида инсон, унинг ҳаёти ва орзу-умидлари давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келаётгани, шу боис ушбу тинч ва осойишта кунларнинг қадрига етиш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва истиқлол гоёларига садоқат туйғуларини руҳида тарбиялаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш зарурлиги қайд этилди.

«Тинчликни асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир»

Ўзбекистон ХДП Андижон туман кенгаши томонидан Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифалардан келиб чиқиб «Ватанини асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир» шиори остида тадбир ташкил этилди. Унда партия фаоллари, депутатлар, Маънавият тарғибот маркази вакиллари, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими ходимлари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан ўтган 25 йил давомида кўлга киритилган ютуқлар замирида, энг аввало, тинчлик, барқарор иқтисодий тараққиёт, халқимизнинг фидокорона меҳнати ётани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, партия ташкилотлари томонидан жойларда «Ўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» деган эзгу гоё остида ўтказилаётган тадбирларни юқори савияда ташкил этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Энг улғу, энг азиз айёмни муносиб кутиб олиш ва ушбу кутлуғ байрамни тинч-осойишта ва кўтаринки руҳда ўтказиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Худудий партия кенгашлари ахборотлари асосида Аббор ҚУРБОНОВ тайёрлади.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

Ёш сиёсатчилар

сиёсий ва ҳуқуқий билимларини намоён этишди



Танловнинг олдинги йиллардан фарқи шу бўлдики, биринчи кун тақдир этилган лойиҳалар атрофида муҳокама қилинди. Чироқчи тумани вакили Сардор Ҳамроев транспорт коллежи ўқитувчиси, автотомобиль йўллари бўйича муҳандис экан. Бугун иқтисодий тараққиёт йўлидан бораётган туманда озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашга катта эътибор берилмоқ-

да. Шу туфайли Сардор коллежларда соҳа мутахассислари тайёрлашнинг амалий самарасини асослаб берди. Косон тумани вакили Шалола Боймуродова «Хўл меваларни қуритиш ва қадоқлаш» масаласида анча изланибди. Тоғли Деҳқонobod тумани вакили Урай-хон Қўлдошева касаначилик орқали янги иш ўринлари яратиш юзасидан ҳаётий тақлифларни ўртага ташлади. Касби тумани вакили Нигора Юнусова томорқада маҳсу-

лот етиштириш борасида ўз мулоҳазаларини билдирди. Маълум бўлишича, Нигора 1 миллион сўм кредит олиб, 2 сотих ерда боддинг етиштирибди, қарзини узиб, даромад ҳам олибди. Менимча, яхши ибрат. Қарши шаҳар вакили Азиза Қўзиеванинг «Виртуал парламент» лойиҳаси кўпчилигининг эътиборини тортди. Лойиҳада мураккаб масалалар содда, ишончли баён қилинган. Мақсад — ёшлар ўртасида қонунларни тарғиб қилиш.

Ҳар қандай мусобақанинг бахши ва ҳал қилувчи нуқталари бўлади, албатта. Бу сафар ҳам ушбу талаб аниқ кўзга ташланди. Танловнинг иккинчи — савол-жавоблар қисмида билим ва тайёргарлик очик имтиҳондан ўтди. Конституция, қонунлар, ЎзХДП дастури, Низоми ва бошқа мавзулардаги саволлар у қадар мураккаб эмас эди. Масалан, «Кимлар сиёсий партия аъзоси бўла олади?», «Депутат этикасини қандай тушунаси?», «ЎзХДП аъзолигини тўхтатиш шартлари қандай?», «Истеъмом қандай ҳуқуқларга эга?» ва бошқа масалалар, албатта, пухта тайёргарликни талаб қиларди. Очиқ айтиш керак, айрим туман вакиллари баъзи саволларга жавоб бера олмади. Аммо ҳаракат қилса, бўларкан. Чироқчи тумани вакили Сардор Ҳамроевнинг жавоблари менга ёқди. Қобилиятлилар олдинга ўтиб олишди. Қарши шаҳар вакили Азиза Қўзиева, Косон тумани вакили Шалола Боймуродова, Китоб тумани вакили Исролжон Собиржоновнинг жавоблари бу шартда юқори баҳоланди.

Сўнги шартда иштирокчилар нотиклик санъатини намоён этишди. Хали саволларга қийналиб жавоб берган иштирокчилар ҳам бу шартда жонланиб қолишди. Айримлари танланган мавзулар бўйича бурро, ишонарли, кўпчилики жалб эътидан нутқлар сўзлашди. Фузор тумани вакили Достон Эшқувватов «Ким эдигу ким бўлди?» мавзусини тўла очиб берди. Деҳқонobod вакили Урай-хон Қўлдошеванинг Ватанга муҳаббат, унинг тараққиётига ҳисса қўшишга даъват этувчи сўзлари юракларни тўлқинлантирди. Миришкор тумани вакили Алишер Баратов миллий парламентимиз-

нинг шаклланиш босқичлари ҳақида аниқ рақам ва маълумотлар келтирган ҳолда шундай нутқ сўзладик, ҳайъатини юқори баҳосига сазовор бўлди.

Ҳар қандай танловнинг якунидан бировнинг кўнгли тўлиб, кимдир қониқмаслиги мумкин. Менимча, бу сафар баҳолар адолатли эди. **Учинчи ўринни Чироқчи тумани вакили Сардор Ҳамроев, иккинчи ўринни Косон тумани вакили Шалола Боймуродова** эгаллади. Энг кўп балл тўплаган **Азиза Қўзиева** биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичига йўланма олди.

Шу ўринда ғолиб ҳақида икки оғиз фикр. Азиза Қўзиева анча кун бурун партияимиздаги аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга бағишланган семинарда эътиборни тортган, амалий машғулот давомида жўяли фикрларни ўртага ташлаган эди. Азиза Қарши шаҳридаги қурилиш коллежиде аъло баҳо билан ўқиб, жамоат ишларида фаол қатнашмоқда. Истеъдоди шаклланиб, шеърлари чоп этиляпти. Азизанинг танлов давомида ўқиб берган шеърлари кўпчиликам манзур бўлди.

— Бугунги кўриқда қатнашганларнинг бари эл-юрт равнақи йўлида ёниб яшайдиган ёшлардир, — дейди **Ҳайбат аъзоси, Республика маънавият тарғибот маркази Қарши шаҳар бўлими раҳбари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби Зарнигор Аҳмедова**. — Улар орасида Азиза ғолибликам жуда муносиб.

Аслида кўпчилигининг баҳоси ҳам шундай эди.

2 — МАҚОЛА

■ 1993 йилда дунёнинг бор-йўғи 8 мамлакатидида «пул фабрикаси» мавжуд бўлиб, Ўзбекистон бу борада салоҳиятли давлатлар рўйхатига кира олди.



ЎЗБЕКISTON МОЛИЯ ВА БАНК ТИЗИМИ

ТАРИХИНИНГ БИЗГА МАЪЛУМ ВА НОМАЪЛУМ БЎЛГАН ЖИХАТЛАРИ ҲАҚИДА

Мустақиллик йилларида нисбатан қисқа даврда жаҳоннинг энг илгор андозаларига мос келадиган, ҳар қандай ташқи ва ички бўҳронларга бардош бера оладиган, мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига кириши учун мустақкам асос вазифини ўтайдиган замонавий молия ва банк тизими яратилди.

Бирок бунга эришиш осон бўлмади, мамлакат раҳбарияти ва мутахассисларимиз қанчалик оғир вазиятда меҳнат қилиб, бири биридан мурраккаб синовлардан ўтганини кўпчилик билмаслиги мумкин. Буни чуқурроқ ҳис этиш, англаш учун яқин ўтмишдаги воқеа-ҳодисаларни эслашга тўри келади.

Ўзбекистон том маънодаги мустақкам мамлакат эди. Аҳвол шу даражага бориб етгандики, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаб ўтганидек, ўзбек халқи яратган бойлик тўлалигича собиқ марказ иҳтиёрида бўлиб, унинг кичик бир қисми юртимизга қайтариб бериларди. Лекин бу гўёки Иттифоқ ҳукуматининг ўзини ўзи боқиб қолдириб бўлмаган, унинг қўлига қодир бўлмаган Ўзбекистон «ёрдам» сифатида кўрсатиларди. Аслида бу гал халқимизни камситиш, «биз сизларни боқаямиз, бизсиз кунингиз ўтмайди», деган даъвои илгари суриш эди. Бу мутлақо асоссиз даъво экани мустақкамликка эришганимиздан сўнг, қисқа муддатда исботланди.

Ўзбекистон 1994 йилдаёқ собиқ Иттифоқ ҳудудидаги давлатлар билан ташқи савдода ижобий қолдиққа эришди. Соддароқ қилиб айтганда, биз билан иқтисодий ҳамкор давлатларга кўпроқ маҳсулот бериб, улардан камроқ олдик. Мустақкамликка юртимиздан олиб кетилган бўйлиқларнинг ҳисоб-китоблари мосқаллик мутахассислар томонидан юритиларди. Биз етказиб бераётган пахта, олтин ва бошқа хомашё маҳсулотлари қанчага сотилаётгани, қанча даромад кўриляётганини мутлақо билмасдик.

Шу боис 1989-1991 йилларда Ўзбекистон Давлат бюджети даромадининг ўртача 30-40 фоизи собиқ Иттифоқ бюджетидан бизга қайтиб бериладиган субвенциядан (содда тилда айтганда, ўзини ўзи боқа олмайдиган республикага молиявий ёрдамдан) иборат эди. Ҳақиқатда эса, Ўзбекистон «боқиманда» республикалар қаторига киришишга ҳеч қандай иқтисодий асос йўқ эди.

Бунга биргина мисол келтириш kifоя. 1988 йилдаги ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистондан олиб кетилган бир йиллик пахта толасидан 25 миллиард рубль даромад олинган, яъни бу бизга «субвенция»га берилган 2,5 миллиард рублдан 10 баравар кўп эди. Эътибор беринг: пахта толаси биздан собиқ марказга ташиб кетилган бойликлардан бири эди, ҳолос! Уша даврда юртимиздан олиб кетилган ер усти, ер ости бойликлар эса жуда-жуда кўп эди!

1991 бюджет йилида Ўзбекистон учун янада оғир молиявий аҳвол юзага келди. Иттифоқ ҳукумати билан муросасиз кураш йўлига ўтган Ёшлар бошқаруви Россия Федерацияси раҳбарияти СССР Давлат бюджетига Россия ҳудудидан йиғиб олинган маблағларнинг тушишини барча қонун-қондаларга тидишиш

мутлақо тўхтатди. Ҳокимият учун курашнинг бу усули мохиятини собиқ Иттифоқ раҳбарияти ўз вақтида тушуниб етмади. Мазкур ҳолат СССР бюджетидан Ўзбекистонга қайтиши мўлжалланган субвенция ҳажмининг олдинроқ қисқара бошлашига, кейин эса бутунлай тўхташига олиб келди. Ўзбекистон давлат бюджети тақдирининг бундай қутилмаган зарбасига тайёр эмас эди, шу сабаб унинг иқтисодиёти бутунлай издан чиқиб кетиш хавфи остида қолди.

Айтиш мумкинки, ўша оғир шартларда иқтисодий мустақил давлат сифатида Ўзбекистон ҳам дунёнинг кўп мамлакатлари каби ташқи молиявий ёрдамсиз яшаб кета олмамлиги керак эди. Лекин бундай бўлмади, яшаб кетди.

Қисқа муддатда бир-биридан мурраккаб қатор, яъни 80 фоиз дони четдан олиб келинадиган мамлакат халқини озик-овқат билан таъминлаш, қарам иқтисодиёти мустақил давлат иқтисодиётига айлантириш ва бозор муносабатларини шакллантириш каби вазибаларни ҳал этиш жараёнида халқимизга хос ва мос эволюцион йўлнинг танланиши, энг асосий стратегик ва тактик масалаларнинг оқилона ечимини топа олиш, айрим давлатларга ўхшаб, эски тузумдан қолган барча нарсаларни бузиб ташлаб, кейин унинг вайроналари устида янги бино қуриш йўлидан кетмаслик, яъни янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаслик, халқимизнинг ўз раҳбариятига бўлган чекисиз ишончи, оддий халқнинг фидокорона меҳнати каби омиллардан кидириш тўғри бўлгани хаётнинг ўзи тасдиқлади.

Бир вақтнинг ўзида мустақил Ўзбекистоннинг мустақил молия, банк ва солиқ тизимига асос солиш режалари иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш объектив заруриятга айланган мурраккаб бир шартларда тўғри келганини ва бу вазифа республика раҳбариятининг узоқни ўйлаб нозик иқтисодий сиёсат юргизиш асосида амалга оширилганини ҳам қайд этиб ўтиш керак.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида, яъни йўл танлашда биз, энг аввало, халқимизнинг урф-одатлари, серфарзанд оилалар кўплиги, асосан оталар меҳнат қилиши ҳисобга олиниб, «фалаж қилиб даволаш» («шоковая терапия») усулидан фойдаланмасликка қарор қилдик.

Мустақил давлатчилик талаблари асосида ва янги қонунчилик негизда молия, солиқ ва банк тизими соҳаларининг бошқарув органлари бутунлай қайтадан барпо этилди. Масалан, Молия вазирлиги тизими тубдан қайта ташкил этилган бўлса, Давлат солиқ қўмитаси бутунлай янгидан барпо қилинди. СССР Давлат банкнинг Ўзбекистон филиали негизда Ўзбекистон Республикаси мустақил Марказий банки, СССР давлат иқтисодлаштирилган тармоқ банклари Ўзбекистон филиаллари асосида пайчиликка асосланган тижорат банклари тузилди. Аралаш мулк ва усусий мулкчиликка асосланган йўлбази янги тижорат банклари ташкил этилди.

Ўзбекистон жаҳон молия-кредит сиёсатини белгилувчи энг нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб киришга

муваффақ бўлди.

Юқорида санаб ўтилган чора-тадбирлар натижасида 1991-1992 йиллар мобайнида мустақил давлатга хос бўлган молия, солиқ ва банк тизимлари шакллана бошлади. Ўз даромадларимиздан оқилона фойдаланиш эвазига, харажатларимизни қийинчиликлар билан бўлса-да, ўзимиз қоплай бошладик. Сал юқорироқда таъкидлаб ўтганимиздек, бу даврга келиб, Президентимиз томонидан мамлакатимизда бозор иқтисодиётини барпо этишнинг асосий стратегик масалалари, унинг тамойиллари ишлаб чиқилди.

Бахтга қарши, тақдир эндигина мустақил нафас ола бошлаган Ўзбекистон учун яна бир зарба тайёрлаб қўйган экан. Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарлари 1992 йил октябрда «Ягона рубль зона»сини ташкил этиш ва рублдан умумий фойдаланиш тўғрисидаги битимни имзоладилар. Кейинроқ Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари, Марказий банклари пул тизимларини бирлаштириш ҳақидаги икки томонлама шартномани тузишди. Биз вақтинча шундай йўл тутишга мажбур эдик. 1993 йил намунасидаги янги рубльлар Ўзбекистон ҳудудига жўнатила бошланди.

Шу ўринда қутилмаган ҳодиса юз берди. Давлатлараро шартномалар имзоланиб, уни ижро этиш бошлангандан кейин, яъни янги рубль солинган самолётлар Тошкентга етиб келиб, пул Ўзбекистон Республикаси Марказий банки омборига жойлаб бўлинган, қолган қисми қутиланган пайтда собиқ Марказ томонидан ҳеч қандай асоссиз равишда тўхтатилди.

Бу воқеалардан сал олдинроқ, яъни 1993 йилнинг 10 майда Қирғизистон тўсатдан ўз миллий валютаси — «сом»ни муомалага киритди. «Тўсатдан» деганимизнинг боиси шундаки, Ҳамдўстлик давлатларидан бирортаси ўз миллий пул бирлигига ўтишга қарор қилса, бу ҳақда бошқа аъзолари уч ой олдин расман огоҳлантириш шартлиги ҳақида махсус давлатлараро битим бор эди. Мазкур битимга унинг иштирокчи давлатлари раҳбарлари бир марта, А. Акаев эса икки марта имзо чекканди. Тақдирнинг ўйинини қарангки, шу битим имзоланаётган мажлисда Қирғизистон Президентини раислик қилган ва мажлис раиси сифатида иккинчи имзони қўйганди.

Қирғизистонда рубль ўрнига сомнинг муомалага киритилиши устига Россия Федерацияси раҳбариятидаги айрим кимсалар, айниқса, ўша пайтдаги молия вазири Б. Фёдоров каби шахсларнинг қаршилиги туфайли кечгагина имзоланган шартномалар қозғоғда қолиб кетди. Натижада 1993 йил кузига келиб, ягона рубль зонаси яратилиш гоёси чиппақка чиқди.

Таассуфлар бўлсинки, бу ўйинлар бизга жуда қимматга тушди. Наинки бизга, бу ҳодиса қолган барча давлатлар иқтисодиётига катта зарар етказди, иқтисодий ислохотлар самарасини сезиларли даражада пасайтириб юборди, унинг илк натижаларини йўққа чиқарди. Энг ёмони эса шундаки, СССР парчалангандан кейинги даврда Ўзбекистонда эндигина шаклланиб кела бошлаган молия ва пул муомаласи тизимини қайтадан жар ёқасига

келтириб қўйди. Мамлакат иқтисодий ҳаёти ўз маромида давом этиши учун зарур воситалардан бири бўлиш пул тизими ва пул бирлигисиз қолди. Тасаввур қилиб кўринг-а: мустақил давлат бор, лекин унинг пули йўқ!

Ўз берган фавқулодда вазиятда зудлик билан Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 ноябрда имзоланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида параллел тўлов воситаси сифатида «Сўм-купонлар»ни муомалага киритиш тўғрисида»ги қарори асосида 15 ноябрдан бошлаб, биз учун ўта номақбул шартларда сўм-купонларни муомалага киритишга мажбур бўлдик. Яхшиямки, узоқни кўра оладиган ва давлатлараро шартномаларни бажаришдаги «уйин»ларни яхши билган Юртбошимиз ҳар эҳтимолга қарши сўм-купонларни тайёрлаб қўйган экан. Уларнинг 1, 3, 5 ва 10 сўмликлари Англиядан ноп этилган эди.

Инглизларнинг пул фабрикаси хўжайинлари «сўм-купонлар»нинг асосий қисмини ҳам ўзида босиб чиқариш ва бундан мўмай фойда кўриш умидида ўтирган бир паллада, 25, 50, 100 сўмликдан 10 минг сўмликкача бўлган сўм-купонларни ўз пул фабрикасида босиб чиқара бошлаганимиз жаҳоннинг шу соҳадаги нуфузли ташкилот ва мутахассисларини ҳайратга солди. Чунки пул босиш тарихида шу пайтга қадар, ҳеч қайси давлат бундай тезкорлик билан ўз пулини ўз фабрикасида мустақил ишлаб чиқара олмаган экан!

Пул белгиларини ишлаб чиқариш гоётада мурраккаб, нозик ақлий меҳнат ва юқори салоҳият талаб этадиган жараён бўлиб, унга эришиш юксак техник ва технологик тайёргарлик бўлишини тақозо қилади. **Ўта қисқа фурсат ичида, яъни 1993 йилдаёқ замонавий техника ва технология асосида пул, бошқа қимматли қозғоғ ва танга ишлаб чиқара оладиган «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасининг қурилиши, ишга туширилганлиги ноб иқтисодий ҳодиса ҳисобланади.**

Ўрни келганда шун ҳам айтиб қўяйлик, ўзининг «пул фабрикаси»га эга бўлишга ҳар қандай давлат ва давлат раҳбарининг журъати етмайди. Бунинг учун давлат иқтисодий салоҳияти даражасининг ўзига етарли эмас. **Мустақил «пул фабрикаси»га эга бўлиш тўғрисидаги тегишли қарорга келиш учун давлат раҳбаридан сиёсий жасорат ҳам талаб қилинади. 1993 йилда дунёнинг бор-йўғи 8 мамлакатидида ана шундай «пул фабрикаси» мавжуд бўлиб, Ўзбекистон бу борада салоҳиятли давлатлар рўйхатига кира олди.**

«Ягона рубль зона»си гоёси барбод бўлганлиги билан боғлиқ қўлаб салбий оқибатларни бартараф этишни сўм-купонлар ўзи устига олди ва ўта қисқа муддат ичида Ўзбекистон ўзининг тўлақонли пул бирлиги — сўмини 1994 йил 1 июлдан муомалага киритиш учун зарур иқтисодий шартлар яратди. Миллий валютанинг муомалага киритилиши мамлакатимизда мустақил иқтисодиётни барпо этиш тарихида янги босқични бошлаб берди.

Шу даврда юртимизда мустақил молия асосларини яратиш жараёнида

нохуш таъсир кўрсатган воқеалардан яна бири аҳолининг собиқ СССР жамғарма банки тизимида сақланаётган омонатлари масаласига тегишли бўлди (ўша пайтда бу муассаса халқ тилида эски номи билан «Омонат кассалари» деб аталар эди). Маълумки, СССР даврида аҳоли жамғармалари билан ишлайдиган мазкур банк битта бўлиб, унинг тизини тўлалигича Марказ иҳтиёрида эди. Қолган республикаларда унинг филиаллари фаолият кўрсатар ва барча йиғилган маблағ аниқ кўрсатма билан ишлатилар эди.

1991 йил охирида эса бизга ҳар бир собиқ иттифоқдош республика ўз ҳудудида узоқ муддат давомийда йиғилган, лекин Москва тасарруф қилган аҳоли жамғармалари бўйича ўзи жавоб берсин, деб тақлиф берилди. Узоқ тортишув ва жанжаллар самарасиз тугади, Собиқ марказ ўзи еб тугатган жамғармаларни эгасига қайтариб беришдан воз кечди.

Бу масала 1991-1995 йиллар давомида хавола муаллақ ҳолда турди. Ниҳоят, 1995 йил кузига Юртбошимиз мамлакатимиз молия тизимига, айниқса, давлат бюджетига қанчалик оғир юк бўлиб тушмасин, собиқ СССР ҳукуматининг Ўзбекистон Республикаси аҳолиси олдидаги қарз мажбуриятини ўз елкасимизга олганлигимизни эълон қилди.

Биз банк тизимини шакллантириш жараёнида ҳам стихияли бозор муносабатларидан фойдаланмадик. Эндигина мустақилликка эришган Ҳамдўстлик давлатларининг ўша даврдаги ўта оғир молиявий шартини кўриб, уларга «ёрдам» бермоқчи бўлган давлатлар, халқаро молия ва кредит ташкилотлари кўп бўлди.

Ўз қаддини ўзи ростлаётган Ўзбекистонга ҳам бу масалада ёрдам бериш ниятида бўлганлар оз эмасди. Бироқ уларнинг ҳаммасининг ҳам ниятларини ҳолис, деб бўлмасди. Бу нарсани ўз вақтида тўри англаб олган ва тўғри хулоса чиқарган давлат раҳбарига ўз халқининг келажagini ўзгалар қўлига топширмаслик йўлини танлади.

Тўғри, ривожланган мамлакатларда давлат ташқи қарзи миқдори юқори бўлиши оддий ҳол ҳисобланади. Лекин бир пайтнинг ўзида қарзи катта давлатдан бошқа давлатлар ҳам қарздор бўлиши мумкин. Ёш, мустақил давлатлар эса асосан бошқа давлатлардан қарз олишади. Негаки, ривожланаётган давлатларнинг аксарияти бошқа давлатга қарз беришга ёки инвестиция киритишга ҳали қодир бўлмади. Шу боис ривожланаётган давлат ташқи қарзининг кўпайиб кетиши унинг молиявий ҳолатини кескин ёмонлаштиради. Чунки давлат олинган қарзани фоизи билан қайтариш учун янада кўпроқ харажат қилишга мажбур бўлади.

Хориждан «беғараз» ёрдамни роса олган ва олаётган, Ватани ҳамда халқини, ҳатто келажак авлодини қарз ботқоғига ботириб қўйган раҳбарлар буни билишмади ёки билишни исташмади. Халқининг келажagini эмас, фақат президентлик курсини ўйлаган раҳбарлар бошқарган мамлакатларда ташқи давлат қарзи уларнинг ЯИМ миқдоридан ошиб кетаяпти...

Ўзбекистон эса мустақилликка эришгандан бошлаб жаҳонда ташқи давлат қарзи даражаси энг кам давлатлар қаторидан мустақкам ўрин олди. **Ташқи давлат қарзи мамлакатимиз ЯИМнинг асосан 7-12 фоизи атрофида (жуда оғир йиллардагина у сал ошиши мумкин) мумкин ушлаб турилди. Жон бошига ҳисоблаганда эса бу кўрсаткич жуда ҳам кам — 100-150 АҚШ долларига тўғри келади!**

Зеро, ҳар қандай шарт билан ташқаридан ёрдам олиш бизнинг миллий табиатимизга мос келмайди. Давлатлараро ёки халқаро учрашуларда Ўзбекистон Президентининг бу соҳадаги позицияси ҳаммани лол қолдиради эди! Чунки у киши ҳеч қачон ҳеч қимдан ёрдам сўрамаган, балки ҳаммага биз билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлар сифатида ишлашни тақлиф этади. Биз билан ҳамкорликка киришмоқчи бўлган давлат ва ташқи лотлар халқаро майдонга гурури бандан Раҳбар бош бўлган, гурури бандан Миллат яшайдиган, гурури бандан Юрт мулоқотга чиққанлигини тезда тушуниб етди.

Парвардигор бизнинг юртимизга фаровон яшаш учун ҳамма зарур шарт-шароитни ато этган: табиий бойликлар, сахий замин, серқўбш осмон, энг муҳими, меҳнаткаш халқ ва халқнинг ишончига сазовор бўлган раҳбарияти. Буларнинг ҳаммаси қўшилиб келган юртда эса бахтли келажак бўлмаслиги мумкин эмас.

Босиб ўтилган йўлимиздан қўришиб турибдики, тақдир бизни етарли даражада синаб кўрди. Аммо бу синовлар халқимиз қаддини бука олмади, аксинча, бизни чиниктирди, ўзимизга бўлган ишончни мустақкамлади, буюк келажак сари қадамимизни тезлаштирди. Ўзбекистоннинг имкониятларини, ҳам иқтисодий, ҳам интеллектуал салоҳиятини дунё тан олди. **Бугунга келиб, мамлакатимиз банк тизими барқарор фаолият юритаётгани нуфузли халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан эътироф этиб борилмоқда. Халқаро валюта жамғармаси 2015 йилдаги миссияси ҳам юртимиз банк тизими барқарорлик, изчил капиталлашув ва юқори ликвидлик даражасини сақлаб қолаётганини алоҳида таъкидлади.**

Ўзбекистон Жаҳон иқтисодий форумининг рейтинг натижаларига кўра, дунёдаги энг тез ривожланаётган 158 мамлакат ўртасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида эса 1-ўринни эгаллагани фикримизнинг далилидир. Бу ютуқларга Юртбошимиз томонидан узоқни кўзлаб, қутилган ва қутилмаган синовларни ҳисобга олиб юритилган оқилона сиёсат ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати ҳисобига эришилди. Бундан кейин Ўзбекистоннинг тараққиёт жараёни янада тезлашади, халқимиз турмуши бундан-да юксалади дейишга асос ҳам, ишонч ҳам етарли.

Одил ОЛИМЖОНОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор.

ХУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТ

■ Ярашув ҳар икки томон учун ҳам фойдали, айниқса, жабрланувчи учун. Чунки жабрланувчига етказилган зарар тез ва тўла қопланади.

РАНГ-БАРАНГ
ЯНГИЛИКЛАР

Жаҳон банки

Ўзбекистонда ЯИМ ўсиши 7,5 фоизни ташкил этишини тахмин қилмоқда

Жаҳон банки «Глобал иқтисодий ислохотлар» номли янги ҳисоботни чоп этди. Бу ҳақда «Anons.uz» хабар бермоқда.

Банк таҳлилига кўра, 2016 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсиши 7,5 фоиз даражасида бўлади. 2017-2018 йилларда бу кўрсаткич 7,7 фоизгача ўсиши кутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Жаҳон банки 2016-2017 йиллар учун дунё иқтисодиёти ўсиш суръатларини 0,5 ва 0,3 пункт, яъни тегишли равишда 2,4 ва 2,8 фоизгача пасайишини тахмин қилмоқда.

Француз тили

Ўқитувчилари учун
ёзги мактаб

Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси Касаба уюшмалари федерацияси, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда ёзги мактаб ташкил этади. Бу ҳақда элчихона матбуот хизмати хабар бермоқда.

Ёзги мактабга республика бўйича 130 нафар француз тили фани ўқитувчи ва услубчиси жалб этилади.

Олти нафар франциялик мутахассис улар билан тренинг ўтказиши ва маданий-маърифий тадбирлар уюштирилади.

Мазкур мактаб машғулоти Тошкент вилоятидаги «Бўстон» санаторийсида 14 июндан 17 июнгача бўлиб ўтади.

Миллий кутубхонада

Пушкин ижодига
бағишланган
кўرғазма очилди

Кутубхонанинг «Тафаккур» залида Пушкин таваллудининг 217 йиллиги муносабати билан «Боқий шеъринг соҳиби» деб номланган кўрғазма очилди. Кўрғазмага шоирнинг болалик, ўсмирлик ва ёшлик даври, ўқиш ва сургу йиллари, вафоти тарихи ва авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар қўйилган.

Шунингдек, мазкур кўрғазмада шоирнинг танланган асарлари ҳамда ўз кўли билан чизган расмлар жамланмаси ҳам намоиш этилмоқда.

Пушкнинг 16 жиллик тўлиқ асарлар тўплами ҳозирги кунда энг тўла мажмуа ҳисобланади, дейилади Ўзбекистон Миллий кутубхонаси матбуот хизмати тарқатган хабарда.

Шухрат ИСЛОМОВ

Ярашув институти

жамиятда тотувликни мустақамлашга хизмат қилмоқда

Салкам ўн беш йил аввал Ўзбекистон парламенти халқимиз ва жаҳон ҳамжамияти эътирофига сазовор бўлган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунни қабул қилганди. Ушбу қонун асосида одил судловни амалга оширишнинг шакллари билан сифатида ярашув институти жорий этилди ва у Жиноят кодексининг 661-моддасида ўз ифодасини топди. Ўтган йиллар таърихида мазкур қонун ўз вақтида қабул қилинганини кўрсатди.

Статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, 2001 йили ярашув институтини 1100 нафардан зиёд, 2015 йили 14459 нафар, умуман олганда, ўтган давр мобайнида 177492 нафар кишига нисбатан қўлланилган гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бу рақамлар ортида қанча-қанча инсонларнинг тақдирини ўзгартиришга қўл кўришга қўриқчиларнинг ҳуқуқий асослари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Ўтган йилларда ярашув институтини қўллаш доирасини кенгайтириш мақсадига қатор қонунлар қабул қилинди.

Ўтган йиллар давомида ярашув институтини қўллаш кенгайтириш бўйича жуда кўп ишлар қилинди. Буни кўришда рақамлар ҳам тасдиқлайди: ҳозир 60 жиноят тарихи бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти мавжуд. 2001 йили бундай жиноятлар сони 26 та эди. Шулар ҳақида фикр-мулоҳаза юрита туриб, мазкур йўналишдаги чора-тадбирларнинг ҳуқуқий асослари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Ўтган йилларда ярашув институтини қўллаш доирасини кенгайтириш мақсадига қатор қонунлар қабул қилинди.

Жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар суди ярашув институтини қўллаган ишларни таҳлил қилганидан бўлсак, ўтган йили 67 жиноят иши бўйича 77 нафар шахс ярашгани учун

жиноий жавобгарликдан озод этилган. Улар транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш ҳавфсизлиги қоидаларини бузганликда, безориликда, қасдан баданга ўртача оғир шикаст етказганликда, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганликда, қасдан баданга енгил шикаст етказганликда, ўғирликда, фирибгарликда, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлашда айбланган эди. Давлатимизнинг инсонпарвар қонунлари асосида улар суд залидан озод қилинган.

Яхшиси, мисолларга тўхталсак. Баъзида айрим сабабларга кўра, қўни-қўшнилар ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқади. Бу кўпроқ айёлларда кузатилади. Тўғри, эртаси кун гина-қудуратлар унутилиб, яна ҳаммаси изига тўшиб кетади. Лекин ғишт қолипдан кўчиб, жиноят иши қўзғатилган бўлади. Чирчиқ шаҳрида яшовчи қўшнилар Наима Қодирова ва Динора Тўраева (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўртасида ҳам ихтилоф чиқади. Жаҳл отига минган Наима Динорани ҳақорат қилиб, енгил жароҳат етказди. Динора қисқа муддат қасалхонада даволаниб чиқади. Халқимизда: «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўни яхши», деган ҳикमत борлигини эслаган Наима қилган ишдан қаттиқ пушаймон бўлиб, Динорадан кечирим сўрайди, унга етказган



моддий ва маънавий зарарни тўлайди. Шикоси, томонлар ярашиб олишади. Юқридагиларни инобатга олиб, суд Наимага нисбатан қўзғатилган жиноят ишини ҳаракатдан тугатди.

Тошкентлик Жамол Зиёмухаммедов қўнларнинг бирида юмушлари билан ўз автотомобилида Чирчиққа йўл олади. Режалаштирилган ишларини битирган, уйга қайтаётган пайтда йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузади. Вояга етмаган Абдурашид Жабборовни уриб юборади. Хайрият, Абдурашиднинг жароҳати ҳаётга ҳавф соладиган даражада эмас экан. Суд Жамол етказилган моддий-маънавий зарарни қоплаганини, жабрланувчидан кечирим сўраганини, айбига тўлиқ иқдорлигини, қилган ишдан чин кўнгилдан пушаймонлигини,

жабрланувчининг қонуний вақили унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдирганини, у билан ярашганини ҳисобга олиб, юритилаётган жиноят ишини ҳаракатдан тугатди.

Умуман олганда, ярашув ҳар икки томон учун ҳам фойдали, айниқса, жабрланувчи учун. Чунки жабрланувчига етказилган зарар тез ва тўла қопланади. Ярашув жамиятда тотувликни мустақамлашга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтганда, ярашув институтини жорий этилиши билан адашиб ёки бил-билмай жиноят содир этганларни тўғри йўлга солиш, кечирим, имкониятлари кенгайтириш.

Шавкат САТТОРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Чирчиқ шаҳар суди судьяси.

СПОРТ

Франциянинг яшил майдонларида XV Европа чемпионати финал босқичи гуруҳ баҳслари қизгин давом этмоқда.

Кутилган ва кутилмаган натижалар

Мусобақанинг илк учрашувида мезбонлар — Франция терма жамоаси катта маҳорат эвазига Руминия футболчиларидан устун келди — 2:1. Голлари французлардан Оливье Жиру, Димитри Папе киритган бўлса, жавоб тўлига Богдан Станку муаллифлик қилди.

«А» гуруҳининг иккинчи баҳсида мусобақа дебютанти Албания вакиллари швейцарияликларга кичик ҳисобда имкониятни бой берди — 0:1.

Чемпионат «В» гуруҳи учрашувларида кутилмаган натижалар қайд қилинди: Англия — Россия — 1:1, Уэльс — Словакия — 2:1.

Мусобақанинг «С» кватрети дастлабки тур ўйинлари ҳам кўпчилик кутган ҳисоб билан яқунланди: Польша — Шимолий Ирландия — 1:0, Германия — Украина — 2:0.

Ақсарият мухлислар Европа чемпионати «D» гуруҳини энг оғир гуруҳ сифатида баҳолашмоқда. Ундан Испания, Чехия, Хорватия ҳамда Туркия терма жамоалари жой олган. Дастлабки турда Туркия — Хорватия жафтаси ўзаро куч сынашди — 0:1. Кеча кечқурун эса мухлислар Испания — Чехия терма жамоалари баҳсининг гувоҳи бўлишди — 1:0.

Шунингдек, кеча «Е» гуруҳида яна икки учрашув бўлиб ўтди: Ирландия — Швеция, Бельгия — Италия.

Бугун эса «F» гуруҳида бўладиган Австрия — Венгрия, Португалия — Исландия жафтаси ўзаро учрашуви билан дастлабки тур ўйинлари яқунланади.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАДҚИҚОТ

Техника йўналишидаги янги дарслик



Таълим сифатини янада яхшилашда замон талабларига жавоб берадиган ўқув адабиётлари яратиш муҳим аҳамият касб этади. Технологиалар тўбора ривожланаётган ҳозирги даврда Давлат таълим стандартлари дастурига мос келадиган, ўзбек тилида ёзилган дарсликларга, айниқса, аниқ фанлар йўналишидаги ўқув адабиётларига эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда.

Тошкент давлат техника университети доценти Салоҳиддин Нурмуродов томонидан яратилган «Конструкция материаллар технологияси» дарслигида конструкция материаллар технологияси фани ҳақида умумий тушунчалар, қора ва рангли металллар металлургияси, қотишмалар назарияси, темир-углерод қотишмалари, рангли металллар ҳамда уларнинг қотишмалари, металл бўлмаган материаллар, жумладан, пластмасса, ёғоч, шилса, резина ва янги замонавий технологиялар асосида яратилган материаллар ҳақида маълумотлар берилган.

Шунингдек, мазкур дарсликда бугунги кунда бутун дунёда тўбора долзарб аҳамият касб этаётган нанотехнология, нанокөмпозитлар, композицион материаллар, қийин эрийдиган металлларни водород муҳитида тиклаш жараёнлари ҳақида ҳам муҳим материаллар келтирилган.

Ушбу дарслик олий ўқув муассасаларида технологик машиналар ва жиҳозлар, машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришни жиҳозлаш ва автоматлаштириш, ер усти транспорт тизмалари ва уларнинг эксплуатацияси, материалшунослик ва янги материаллар технологияси, хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси йўналишларида таълим олаётган бакалаврлар учун йўлланма бўлиб, бир йил давомида юқорида айтилган йўналишларда муваффақиятли синовдан ўтди.

Дарслик содда, тушунарли тилда ёзилган бўлиб, ундан ушбу йўналишда илмий излашни олиб бораётган тадқиқотчилар, магистрантлар ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари фойдаланишлари мумкин.

РЕКЛАМА



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI AҲOLISI VA MEҲMONLARI DIҚҚATIGA!

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонаси огоҳлантиради:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузаитиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузаитгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

БИЗНИНГ МАНЗИЛЛАР:

- Тошкент шаҳри,** Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», телефон: 202-61-71, 230-61-13.
- Андижон шаҳри,** Чўлпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хона, телефон: 230-64-65.
- Бухоро шаҳри,** академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: 230-64-66.
- Жиззах шаҳри,** Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, телефон: 230-64-68.
- Нукус шаҳри,** Ерناзар Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: 230-64-75.
- Қарши шаҳри,** 2-микрорайон, 43-уй, 62-хона, телефон: 230-64-78.
- Навоий шаҳри,** Амир Тему́р кўчаси, 4-уй, 802-хона, телефон: 230-64-69.

- Наманган шаҳри,** Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: 230-64-72.
- Самарқанд тумани,** Ўрташиқ қишлоғи, Радио шаҳарча, тел: 230-64-80.
- Термиз шаҳри,** Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: 230-64-79.
- Гулистон шаҳри,** Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: 230-64-67.
- Фарғона шаҳри,** Алишер Навоий кўчаси, 37-«Г» уй, 36-хона, телефон: 230-64-74.
- Урганч шаҳри,** Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона телефон: 230-64-77.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- | | | |
|-------------------|-----------------------|--------------------------------------|
| Abdulla OROPOV | Saidkamol XODJAYEV | Saidahmad RAHIMOV |
| Hotamjon KETMONOV | Muslihidin MUHIDDINOV | Farrux HAMROYEV |
| Ulug'bek VAFOYEV | Rustam KAMILOV | (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) |
| | Ochilboy RAMATOV | Tat'yana KISTANOVA |
| | | (Bosh muharrir o'rinbosari) |

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi.
Korxonamiz: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 659
14219
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20:35
Topshirilgan vaqti — 23:30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI